
“Пахта-2023”: “Озода пахта” – бу йил вилоятда биринчи бўлди

Ўтган йилги пахта йиғим-теримида давлатга қимматбаҳо саноат хомашёси сотиш бўйича тузилган шартномани Бағдод туманида биринчи бўлиб бажарган “Озода пахта” фермер хўжалиги бу йилги мавсумда Фарғона вилоятида биринчи бўлди.

Жорий йилда 14,5 гектар майдонда ғўза етиштирган хўжалик аъзолари давлатга 43,5 тонна хомашё сотишни мақсад қилган эдилар. Белгиланган режа биринчи теримдаёқ бажарилиб, кўтарилган хирмон 45 тоннадан ошиб кетди. Ўртача ҳосилдорликни мавсум якунига қадар 45 центнерга етказиш учун далада етарлича ҳосил бор.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2023-08-28 16:58:27